

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун

Фарзандлари соғлом
юрт —
қудратли бўлур.

Фуқаролар ийгинларида сайловлар

ХАЛҚ КИМНИ САЙЛАШНИ ЯХШИ БИЛАДИ

МАЪЛУМКИ, шу кунларда Олий Мажлиснинг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Биз бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни Беруний туман ҳокимининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Н. Реймбоевдан сўрадик:

— Бу йилги тадбирлар бундан икки ярим йил олдин ўтказилган сайловлардан халқнинг сиёсий онги ва фаоллиги ошганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид кучайганлиги, энг муҳими фуқаролар йиғини раислигига билимдон, ёш, тажрибали, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган кишилар сайланаётганлиги билан фарқ қилади, — деди ҳоким ўринбосари. — Ҳокимлигимиз сайловлар жараёнида фуқаролар йиғинларига моддий томондан етарлича ёрдамлар берапти. Ҳеч қандай ноқонуний аралашувларга йўл қўйилмапти. Бу — давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида секин-аста бўшатиб, амалий жиҳатдан иш кўраётганлигини аниқлатади.

Бу йилги сайловларда туман бўйича 27 та ўзини-ўзи бошқариш органларидан фуқаролар йиғини раислигига номзодлар кўрсатилади. Ҳозирги кунгача туман бўйича 14 та фуқаролар йиғинларида ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда меҳнат жамоаларидан сайланган вакиллар билан бир каторда кенг жамоатчиликнинг ҳам иштирок этаётганлиги фикримиз далилидир. Йиғилишларда асосий эътибор мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш ва эл тинчлигини таъминлашга қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, берунийликлар мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини қутиб олиш учун бунёдкорликнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Н.ОҚНАЗАРОВ,
"Хуқуқ" муҳбири



А.ТЎРАЕВ олган сурат

Ушбу сонда ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

3 бет

Кўп қаватли уйлар ичидаги санитария-техника ускуналари бузилганлиги сабабли етказиб берилаётган сувнинг қарийб 25 фоизи бекорга оқиб кетмоқда.

10 СЕКУНДЛИ ПАРВОЗ

7 бет

Июнь ойида НАСА муҳандислари дунёдаги мавжуд самолётлар ичида энг тез учувчи самолётнинг биринчи ва ягона парвозини амалга оширадилар.

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sisчилар

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov, Komiljon Ismoilov, Dilshod Islomov (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat Yodgorov (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Muxtor Shodmonov, Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2149
Nusxasi — 20609
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 19.30
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda
1 2 3 4 5 6 7 8

ХОСИЛ - 2001

ФАДЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ



Фаллага ўроқ тушди.

Айни пайтда эса барча ҳўжаликларда бободехўнларнинг пешона терлари эвазига етиштирилган ҳўсилни нес-нобуд қилмасдан, қисқа кунларда йиғиштириб олиш ишлари қизғин тус олган. Сир эмаски, бир неча йиллардан бўён об-ҳавонинг ноқулай келиши қишлоқ ҳўжалиги учун бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Аслида эса деҳўнчиликда енгил меҳнатнинг ўзи йўқ. Шундай экан, захматли меҳнатлар эвазига етиштирилган, элнинг риқ-насибаси бўлган фалла ҳўсилни ўриб-йиғиб олишда нобудгарчиликларга йўл қўйилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

СУРХОНДАРЁ вилоят ҳўқуқни муҳофаза этувчи идораларининг яқинда бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгашида ҳам ушбу ҳўло-са қатъий таъкидланди.

Бу йилги мавсумда Сурхондарё далаларининг 98 минг гектаридан бошқоқ дон экинлари йиғиштириб олиниб, контракция шартно-

малари бўйича давлатга 230 минг тонна фалла сотилади. Йиғим-терим ишларига киришиш олдидан бу долзарб вазифага мутасадди бўлган вилоятдаги барча ташкилотлар, маъмурий идоралар раҳбарлари ҳўсил ўримига тайёргарлик ишларининг боришини муҳокама этиш учун вилоят прокурату-

расида кенгашиб олдилар.

Маълумотларга қўра, фалла ўрим-йиғимини нес-нобудгарчиликларсиз, тез кунларда якунлашни таъминлашга қаратилган тегишли қарорлар, дастурлар бўлса-да, уларда курсатилган талабларга етарли эътибор берилмаган. Ҳатто, фалла ҳўсилни йиғиштириб олишда муҳим омил ҳисобланадиган ўрим комбайнларини мавсумга тайёрлаш ҳам охиригача етказилмаган. Масалан, Бойсун туманида бундай машиналарнинг 22 тасидан 19 таси, Денов туманида — 64 тадан 58 таси, Қўмқўрган туманида — 33 тадан 30 тасигина далага туширишга тайёр, ҳолос.

“Сурхондарёдонмаҳсулотлари” тизимидаги қорхоналар ҳам ҳўсилни қабул қилиб олиш ва сақлаш ишларини қўл-ушда бажарган. Жумладан, шамоллатиш воситалари ҳамда брезентлар етарли миқдорда, тайёрлаб қўйилмаган.

Тизим раҳбарлари туманлардаги дон қабул қилиш пунктларини мавсумга тайёрлаш борасида ишчиларга дам олиш, кийим-бош алмаштириш ҳоналари ташкил этиш ва душларни таъмирлаш ҳўсусида тавсиялар бериш билан чеklangанлар, ҳолос.

Вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш минтақа марказидан олинган маълумотларга қўра, жамоа, ширкат ҳўжаликларидидаги мавжуд 112 та автомобил тарозисидан 37 таси яроқсиз аҳволда экан.

Айрим туман, ширкат ва жамоа ҳўжалиklarининг масъул раҳбарлари томонидан ўрим-йиғим ишларига пухта тайёргарликни ташкиллаштираш ўрнига вазифаларини лозим даражада бажармаслик, давлат мулкини талон-тарож қилиш ҳўлатлари ҳам аниқланган. Масалан, Қўмқўрган туманидаги “Сайҳон” ширкат ҳўжалиги бош муҳандиси Р. Менглиевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида ҳўжаликка 691065 сўмлик моддий зарар етказилган.

Кенгашида таъкидлаб ўтилган бундай ноҳўш ҳўлатлардан қўринадими, ҳўсилни йиғиштириб олиш мавсумига тайёргарлик ишлари талаб даражасида эмас. Ҳатто бу борада жиддий қўнунбузарликларга йўл қўйилган.

Фалла — элнинг риқ-насибаси. Демак, ўз насибамизни, ўз ризки-мизни нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш барчамизнинг зиммामиздаги вазифа. Бу вазифага лоқайд муносабатда бўлиш, нобудгарчиликларга йўл қўйиш эса эл ризкига хиёнатдир.

О. БОЙЗОКОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ



М. БОБОЁРОВ,
Янгиер шаҳар прокурори

ган бўлса-да, иш берувчи унга ноғирон нафақасини ўз вақтида тўладан бош тортиган.

Фўқароларнинг меҳнат ҳўқуқлари тўғрисида гап келганда, тез-тез учраб турган “хўсур” борки, бу тўғрисида ҳозир тўхталмасликнинг иложи йўқ. У ҳам бўлса, ноқонуний ишдан бўшатиш

ЕР ҲАМ МЕҲРАГ МУҲТОЖ

Тирик мавжудот борки, ердан айри яшай олмайти. Деҳўн тили билан айтганда, ер ҳам меҳраг, парваршиш муҳтож. Собиқ Иттиҳод даврида бепоён далаларимизга пахта дардида тонналаб химикатлар сепилди. Оқибатда серунм далаларимиз яроқсиз майдонларга айланди.

Мутасаддиларча эришганимиздан сўнг далаларнинг мелиоратив ҳўлатини яхшилаш ҳақида қўллаб қўнун ҳўжатлари қабул қилинди. Минг афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда айрим вилоятларда ернинг мелиоратив ҳўлатига эътибор қаратилмапти. Биргина Қўрақўлпўстгон Республикасида 2000 йилда шўр ювиш ва суғориш ишлари вақтида ўтказилмаганлиги туфайли мелиоратив ҳўлати ёмонлашган 1100 гектар ерга экин экилатилган. Ҳоразм вилоятида эса бундай ерлар 20,6 минг гектарни ташкил этган. Энди ҳўлоасини ўзингиз чиқаринг. Минглаб гектар ерлардан фойдаланмасликни қандай баҳолаш мумкин? Агар биз қўрида келтирган ер майдонларига фалла ёки пахта экилганда мамлакатимиз янада бойиған, дастурхонимиз яна ҳам тўкин бўлмасмиди? Наҳотки бунини шў соҳага мутасадди раҳбарлар тушунмаса?

Ер билан тиллашган деҳўннинг эса хар дом юзи ёруғ бўлган. Аммо ерга ўғай қўз билан қараган деҳўннинг эса ҳўсоаси оқармайди. Масалан, Зомин туманидаги “Икбол” ҳўжалигида 26 километр ёпёқ зовур 2 йил давомида тозаланмаган. Ер ости сиздан сувларини ҳайдаш ва ювиш мақсадига қурилган 18 та тик зовурлар 10-12 йилдан бўён ишлатилмаган. Оқибатда ерларни шўр босиб, серунм далалар яроқсиз ҳўлга келган.

Сизот сувларга яқин ерлар тез шўрланади. Бунини тажрибали деҳўнларимиз яхши билишади. Ерларни ана шў “касалик”дан қўткириш учун кеч қўзда далаларнинг шўри ювилади. Эрта баҳорда арик-зовурлар тозаланади. Айрим ҳўжаликлар ерларнинг мелиоратив ҳўлатини яхшилаш борасида пудратчи қорхоналар билан шартномалар тузади. Шартномаларнинг бажарилишига келганда иш кўнунилдагидек бўлмайди.

Қўгинга ҳўжаликларда доимий назорат амалга оширилмаганлиги туфайли бюджет маблағлари талон-тарож қилиниши ҳам юз берилмоқда. Масалан, Сайхўноб туманидаги “Пахтакор” ширкатлар уошмаси раиси Ф. Алимов Гўлистон шаҳридаги “Садаф” ҳўсусий қорхонаси раҳбари Х. Уролов билан уошма ҳудудидаги 150 км. узунлигидаги очик зовурларни тозалаш тўғрисида шартнома тузади. Сохта ҳўжатларни расмиллаштирган “Садаф” ҳўсусий қорхонаси раҳбари Х. Уролов 6 млн. сўмлик 30 тонна гурўчи уошма омборхонасидан олиб кетади. Шартномадаги иш эса бажарилмайди. Кейинчалик прокуратуранинг текширувидан сўнг шартнома “уста”лик билан тузилганлиги маълум бўлиб қўлди. Маъжур ҳўлат зўзисидан туман прокуратураси томонидан Х. Уролов ва Ф. Алимовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тўрғов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Қўнунбузилиш ҳўлатларига қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги идораларининг ваколатли ходимлари томонидан ерлардан фойдаланиш ва ирригация-мелиорация ишларини сифатли ўтказиш борасида топшириқлар лозим даражада бажарилмаганлиги, вазирлик томонидан назоратнинг сўсайтириб юборилганлиги сабаб бўлган.

Деҳўнлар орасида ерни ҳўрлаган — ер бўлади, деган гап бор. Биз умри далада ўтган бободехўнлардан ошириб бир гап айтишимиз қўйин. Қачонки, деҳўн ерга меҳрини берса, уни авайласа, парваршиш қилса, она замин ҳам ўз саховатини аямайди.

Олим СУВОНОВ,
Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси прокурори

МЕҲНАТНИ ҲАМ, УНИНГ СОҲИБИНИ ҲАМ ҚАДРЛАНГ

дай вазиятни “иш келганда уриб қолиш, гал келганда ёб қочиб” деб баҳоласа ҳам бўлади.

Бирлашмага қарашли механизация ва автотранспорт бошқармаси ходими Т. Бегматов ўз қўнуний иш ҳақини оломай, йиллаб сарсон-саргардон бўлган-ди. Раҳбариятнинг ваъдаларидан тўйган Т. Бегматов охири шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди. Фақатгина прокуратура аралашуви туфайли унинг меҳнат ҳўқуқи тикланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ривожланган давлатларда хар бир ишчи, ходими, хизматчининг қадрига етиш аянмас мавжуд. Унинг нафақати иш ҳақини ўз вақтида бериш, балки соғлиғи, қадр-қиммати, малакаси борасида ҳам чўқур қайғуришда ҳамда хар бир йўқо-тилган ходим фирма ёки идорага миллионлаб доллар зарар келтириши мумкинлигини яхши билишади. Билмадим, “Мирзачўқурилиш” дагилар бундай фикрга қачон етиб келишар экан? Мана қаранг, иш вақтида бахтсиз ҳўдисага учраган Н. Фозилов ноғирон бўлиб қол-

масаласидир.

Шаҳар солиқ инспекцияси ходими Ш. Мўйиддинов нима бўлди-ю “қисқартириш”га тушди. 2000 йил 3 апрель куни наватдаги меҳнат таътилида бўла туриб, ҳамкасбларига қўмак учун келганида унга қисқартириш ҳақида оғолантириш хати берилган. Ш. Мўйиддинов инспекция бошлиғига ўзининг меҳнат таътилида эканлигини таъкидлайди, лекин устамон раҳбар “Қўркманг, сиз ишдан кетмайсиз. Оғолантириш хатига ҳамама имзо чекаяпти” деб уни кўндирган.

Лекин бошқармага юборилган хатда инспекция раҳбари айнан унинг номзодини кўрсатиб юборган. Меҳнат таътилидан қайтган Ш. Мўйиддинов ўзининг “қисқартириш” га тушганлигини раҳбари Б. Саматовдан эшитиб, хангун-манг бўлди. Прокуратура аралашуви билан Янгиер шаҳар суди томонидан чиқарилган ҳўжмга биноан Ш. Мўйиддинов иш жойига тикланди ва унга 69855 сўм зарар ундириб берилди.

«ТОШКЕНТ-ЛАДА»

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ОЧИҚ ТУРДАГИ
ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ




*Қаролайтли хизмат
ва сифат*

«ТОШКЕНТ-ЛАДА»

«ЎЗДЭУАВТО» КЎШМА КОРХОНАСИДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
«НЕКСИЯ», «ДАМАС» ВА «ТИКО»
АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД КИЛИШИНГИЗДА
ЭНГ ИШОНЧЛИ ХАМКОРДИР

Манзил: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги шохўчаси, 27. Тел.: 76-75-54, 79-26-85.



*Келажакимиз эгалари
Бўлган болажонларимизга
порлоқ истиқбол тилаймиз*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ДАВЛАТТЕХНАЗОРАТ»



*Оналар ва
болалар ҳамиша
ардоғимизда*

Ўзбекистон Республикаси
«АЛОҚАБАНК» жамоаси

«ОЛОЙ БОЗОРИ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни
муносабати билан фарзандларимизга
энг эзгу тилаklarини билдиради.

Пойтахт аҳолисини ва шаҳримиз
меҳмонларини яқиндан бошлаб фаолият
кўрсатаётган буюм бозорига
таклиф этади.



1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ КҮНИ МУНОСАБАТИ ВИЛАН
БОЛАЖОНЛАРИМИЗГА
ЭНГ ЯХШИ ТИЛАКЛАРИМИЗНИ
ИЗЖОР ЭТИШ ВАХТИДАҲ МАМДУЧЛИК



«ТОШДОНМАҲСУЛОТ» ЖАМОАСИ

**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК
БЎЛСИН,
АЗИЗ
БОЛАЖОНЛАР!**



АКЦИЯДОРЛИК «БЕКООБДОЦЕМЕНТ» ЖАМИЯТИ

“ФАЙЗ-ЛТВ-ТЕКСТИЛ” — ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

“Файз-ЛТВ-Текстил” қўшма корхонаси Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан 1993 йил 15 январда 601-сонли баённома билан рўйхатга олинган. 1998 йил 27 октябрда қўшма корхона низомига ўзгартришлар киритилиб, Адлия вазирлигида 282 сонли баённома билан қайта рўйхатдан ўтган.

“Файз-ЛТВ-Текстил”-ЛТД Ўзбекистон-Венгрия қўшма корхонасининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, М.Массона кўчаси, 1- уй. тел. 58-03-08.

Корхона иштирокчилари икки тамонлама бўлиб, Ўзбекистон томонидан Файз ОАЖХК, Венгрия тамонидан “Латэкс” фирмаси. Корхона фаолиятини таъминлаш мақсадида иштирокчилар бадали ҳисобига 3,9 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя киритилган. Ўзбекистон томони 69 фоиз, Венгрия томони 31 фоиз улуш билан иш бошлаган. Корхонанинг мақсади жамоатчиликнинг ўз маҳсулотига ва хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, қўшма корхона ишчи-хизматчиларини иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат эди.

—Йўналишимиз мебель қоплаш учун матолар ишлаб чиқариш, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш, уларнинг сотувини йўлга қўйиш ва фирмага тегишли дўконлар очишдан иборат эди. Шуни қувонч билан айтишим керакки, бу борада анчагина ютуқларга эришдик. Қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, йил давомида ишлаб чиқарган маҳсулотимиз 92927,3 минг сўмни ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси атиги 49 нафар ишчи-хизматчиларнинг меҳнати самарасидир. Шу ўринда ана бир ҳақиқатни айтиб ўтишим жоиз. Кейинги пайтда бозорларга разм соладиган бўлсангиз, кўпинча харидорлар маҳсулотнинг арзонини танлашади. Лекин уларнинг сифатига ҳеч ким кафолат беролмайди. Биз ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса жаҳон талабларига тўлиқ жавоб беради. Аммо ҳозирча унинг харидори кам. Мақсадимиз келажақда бу борада рекламани тўғри йўлга қўйиш ва жаҳон бозоридан етакчи ўринларни олишдир, —дейди қўшма корхона раҳбари Бахтиёр Азимов.

Дарҳақиқат, корхона фаолияти билан танишарканмиз ишчи-хизматчиларга яратилган шароитларни қўриб қўзимиз қувонди.

—Омборда туриб қолган маҳсулотларни ўз баҳосида сотиш анча вақтни талаб қилади. Бу вақт мобайнида ишчилар бекор туриб қолмасликлари учун, қолаверса, уларнинг ойлик маошларини ў вақтида бериш мақсадида корхона қошида тикув цехи ташкил этганмиз, қизларимиз тиккан матоларнинг бозори чакқон, —дея изоҳ беради Бахтиёр ака суҳбат давомида.


Ҳисобини топган бой бўлади, деганлари шу бўлса керак. Жамоага ишбилармон раҳбарлар бош-қош бўлдим, албатта ишлар ҳам ривож топиб кетишига шубҳа йўқ.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ҲАБАРЛАР ШАРҲЛАР

“ГИПЕР – Х” НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?



Июнь ойида НАСА муҳандислари дунёдаги мавжуд самолётлар ичида энг тез учувчи самолётнинг биринчи ва ягона парвозини амалга оширадilar.

Таққос: реактив қирувчи самолётлар товуш тезлигида ёки ундан 2 баравар тез учadi. “Фазовий қайиқча” – Х-43А эса товуш тезлигини 25 марта тезроқ учadi.

Ушбу учувчисиз самолёт АКШ ХҲКга қарашли Эдвардс базасидан учурилади. Унинг парвози бор йўғи 10 секунд давом этади ва парвоз охирида Тинч океанига фарк бўлади. Х-43А (“Гипер-х” ҳам дейилмоқда) яратилгунга қадар энг тезроқ самолёт деб SR-71 ҳисобланар эди.

“Гипер-Х” лойиҳаси раҳбари Жозл Спиз ушбу самолётнинг яратилиши билан келажакдаги йўловчи ва юк ҳаво кемаларининг тақомилига тамал тоши қўйлишини баъшорат қилаётган бўлса, Жорж Буш унда АКШ қуролли қучлари келажакни кўраётганини яшириб ўтирмади.

ҲУҚМ

ЎҚИЛДИ

КЕЧА Ветнам пойтахти Хошимин шахри суди терроризм ва давлатга қарши бугунчилик ҳаракатлари содир қилганликда айбланаётган 37 нафар киши устидан айблов ҳукмини эълон қилди.

Маълумотларга қараганда, мазкур гуруҳ аъзоларидан ҳеч ким олий жазага ҳукм қилинмаган. Уларнинг барчаси турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Асосий айбдор деб топилган 33 ёшли Ли Ким Хон 20 йиллик қамок жазосига маҳкум этилган.

ХАВФСИЗ “КОРИДОР”ГА ЙЎЛ ТОПИЛМАДИ

ЕВРОПА Иттифоқи ташқи сиёсат координатори Хавьер Солананинг Македония сиёсий раҳбарлари билан ўтказган музокараси беш соатга чўзилди. Хавьер Солана ушбу музокара якунида мамлакат сиёсий партиялари ҳалигача ўзаро тил топишолмаётганлигини маълум қилган.

Солананинг ташрифи македон қўшинлари ва албан айирмачилари ўртасидаги навбатдаги қучли тўқнашувлар содир бўлаётган вазиятга тўғри келиб қолди.

Душанба куни македон армияси албан жангарилари назоратидаги аҳоли пунктларини бомбардимон қилди. Оқибатда Слупчане ва Матече кишлоқларининг кули қўкка совурилди. Артиллерия ва ҳарбий вертолётлар уйлар ва ҳатто маҳаллий маҷит биносини ҳам вайрон қилган.

Аҳолининг қўлчилиги ертўлаларда жон сақлашга мажбур бўлишмоқда. Имкон топганлари қўшни Косовага ўтиб кетиш ҳаракатида.

Халқаро Қизил Ҳоч вакиллари минтақани тарк этмокчи бўлганлар учун хавфсиз “коридор” ташкил қилишга уринишган эди. Аммо бунга муваффақ бўлишолмади.

Хавьер Солана Македония сиёсий партиялари раҳбарларини миллий бирлик ҳукумати таркибидан чиқиб кетмасликка кўндиргандай бўлди. Аммо миллий бирлик ҳукуматининг тарқалиб кетиш-кетмаслиги ҳамон муҳолифатдаги икки йирик албан партияси тутадиган йўлга боғлиқ бўлиб турибди.



ТИБЕТДА ЯНА БИР ЛАБОРАТОРИЯ

Хитой ва италиялик мутахассислар коинот жумбоқларидан бири — фазовий ёғдуларни кузатишга мўлжалланган йирик лаборатория қуришга киришмокчи.

Дунёда энг йирик лаборатория бўлиши кутилаётган мазкур обсерватория учун 13 миллион доллар сарфланиши назарда тутилмоқда. Мутахассислар бунинг учун сервиқор Тибет тоғларининг жанубидаги денгиз сатҳидан 4700 метр баландликдаги инсон қадами етмаган манзилни танлашди. Келаятган ойдан бу ишга киришиш мўлжалланмоқда. Бу ҳақда Хитойнинг “Синьхуа” ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Айтишларича, баланд тоғнинг мусаффо ҳавоси коинот ёғдусини кузатиш ва ўрганиш учун айна муддао экан.

Ер атмосферасига етиб келадиган бу ёғду (ёки нур) жуда катта тезликка эгалиги, коинотнинг қора “падра”сида жудаям хира из қолдириши сабаб, уни оддий кўз билан кузатишнинг иложи йўқ.

Ҳозиргача бу нурнинг маънаи ҳам ва бундай катта тезликка эгалиги сабаби ҳам фанга номаълум.

Италия ҳукумати лойиҳа учун 9 миллион доллар ажратишни мўлжалламоқда. Қолган 4 миллион доллар Хитой ҳазинасидан олинади. Ушбу станция 1990 йилда япон мутахассислари билан биргаликда ташкил этилган обсерваторияга қараганда ихчамроқ бўлиши назарда тутилган. Эслашиб ўтамиз, айна пайтда мазкур соҳада фаолият кўрсатувчи дунёдаги энг йирик обсерватория АКШнинг Юта штатида жойлашган.



“GALAXY” ҲАМ “РУСЛАН” ДАН ҚОЛИШМАЙДИ

ХИТой ва АКШ ўртасидаги “самолёт можароси” ниҳоят барҳам топадиганга ўхшайди. Икки давлат дипломатлари келишувига биноан Хитой ҳудудидаги мажбурий қўндирилган EP-3 айқоқчи самолёти қисмларга ажратилган ва ҳаво кемаси юкноҳасига жойланган ҳолда “юрти”га қайтади.

АКШлик муҳандислар хитойликлар апрель ойидан буён ушлаб турган EP-3ни текширувдан ўтказганларидан кейин унинг ҳавога мустақил кўтарилишга яроқли эканлигини маълум қилишди. Бироқ расмий Пекин ушбу самолётнинг Хитой ерларидан ҳавога кўтарилишини миллат гурурини ерга уриш билан баробар, деб ҳисобламоқда.

Самолётни қисмларга ажратиш жараёни қандай кечади, бу ҳозирча номаълум. Бунинг учун ҳам икки томон дипломатлари музокара ўтказишларига тўғри келади.

Маълумотларга қараганда EP-3ни улкан юк самолёти АН-124 (“Руслан”)га юклашмокчи. Тўғри, русларнинг “Руслан”и айқоқчи самолётнинг қаноти-ю думи ҳам сиғиб кетувчи ягона ҳаво транспортари эмас. Мисол учун Galaxy деб номланувчи, факатгина АКШ ХҲКда мавжуд бўлган самолётга ҳам айқоқчи самолётни бемалол жойлаш мумкин. Аммо Хитой ўз худудида АКШ ХҲКга тегишли самолётни қабул қилишни эп кўрмайди.

НАВБАТДАГИ ҲУЖУМ

Чеченистондаги Россия ИИВнинг штаби тарқатган маълумотга кўра, кеча Грозний шахрининг районларидан биринда чечен жангариларининг рус ички қўшинларининг рус ички қўшинлари колоннасига навбатдаги ҳужуми содир этилган. Отишма бошлангани билан рус аскарлари доиравий муҳофаага ўтишган ва қарши ҳужум уюштиришган. Натижанда беш нафар чечен жангариси ўлдирилган.

ҲАРБИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Кейинги ўн йилликларда Ҳиндистон Осиёдаги қуролланишга зўр бераётган давлатлардан бирига айланди. Бунга мазкур мамлакатнинг ҳарбий-техника соҳасида Россия билан қалин ҳамкорлики йўлга қўйгани ҳам мисол бўла олади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, факатгина 2000 йилнинг ўзида Россия экспорт қилган қурол-аслаҳа тушумининг 3,7 млрд. доллар ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин. “Рособоронспорт”нинг “буюртмалар портфелида”ги шартномаларнинг учдан бири Ҳиндистонга тегишли. Сўнгги пайтларда Ҳиндистон ва Россия ўртасида тузилган йирик шартномалар ҳақида дунё матбуоти хабар тарқатган эди. Шулардан “аср шартномаси” номини олган энг шов-шувли битимлардан бири авиация соҳасига тегишли. Ҳиндлар катта имкониятларга эга бўлган қирувчи самолёт саналган Су-30КИИдан 140 тасига буюртма берган. Шунингдек, қуруқликдаги қўшинлар учун Т-90С танкидан нақд 310 таси сотиб олинади.

Шартномалар турли муддатларга: авиация соҳасидаги шартномалар (3,3 млрд. долларга тенг) 17 йилга, танклар бўйича эса (800 млн.долларлик) 8-10 йилга мўлжалланган. Бундан ташқари ҳарбий денгиз флоти техникалари билан боғлиқ шартномалар ҳам тузилган.

Савол туғилади: Ҳиндистон нега қуролланишга бу даражада муккасидан кетмоқда?

Яқин ўтган йиллар ичида мазкур мамлакат ҳисобига дунёнинг “ядровий давлатлари” биттага ортан эди. Умуман, Ҳиндистон сўнгги йилларда халқаро майдонга чиқишининг ўзига хос йўлини тутган. Табиийки, нуфуз жихатидан юқори ўринлардан бирини эғаллаб турувчи, аммо иқтисодий салоҳияти ҳақиқатдан бўлган мазкур мамлакат учун бу енгил кечмапта.

Ўзи кейинги йилларда айрим Осиё мамлакатлари учун халқининг фаровонлигига эмас, қуролланишга зўр бериш одат тусига кириб бормоқда. Албатта бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Ҳиндистонга келсак, у зўннинг асосий рақиб деб билган Покистон Ислам Республикасига нисбатан доимий ярим уруш ҳолати ҳам бунга тақозо қилади. Шунингдек, Ҳиндистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёда энг йирик давлат сифатида минтақа гегемони бўлишга дэзвogarлиги ҳам бундай йўл тутишга ундаётган бўлса ажаб эмас.



Яқин Шарқда давом этаётган зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида олиб борилаётган музокаралар, учрашувлар ҳозиргача бирон-бир самара бермапти. Шундай бўлса-да, дунё сиёсатчилари Фаластин-Исроил масаласида қўлларини ювиб қўлтиқларига урганларича йўқ. Халқаро сиёсат майдонида ҳали танилиб улгурмаган Бернс жанобларининг Фаластин мухторияти раҳбари билан бўлган учрашувида ҳам томонларнинг вазиятни ўзларича баҳолашларидан бошқа нарса кузатилмади.

ҚИСКАЧА

Кеча жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларда Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Жорж Буш билан бўладиган учрашувни олдидан Қўшма Штатларнинг собиқ президенти катта Жорж Буш ва Билл Клинтонлар билан ҳам учрашув ўтказмоқчи. Учрашув 29-30 май кунлари Токиода бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Яқинда куни Британиянинг шимоллидаги Олджем шахрида полиция “ва шахарнинг осийлик мухожирлардан ташкил топган аҳолиси ўртасида тўқнашув юз берди. Натихада 20 дан кўпроқ киши, асосан покистонликлар, бенгаллар ва ҳиндистонликлардан иборат оломон шахар қўчаларига тартибсизликлар содир этишган.

Гап шундаки, бу тўполон осийлик аҳоли ва инглизлар ўртасида шанба куни бўлиб ўтган даҳанани муштлашувларнинг акс-садоси эди. Қутурган оломонини тарқатиш чоғида полиция хизматчиларидан бир нечтаси жиддий жароҳатланган.

Мазкур шахар учун бу тўполонлар янгилик эмас. Бу ерда илгари ҳам бир неча марта ирқий конфликтилар юз берган эди.

Саҳифани «Ҳуқуқнинг сиёсий шарҳловчиси Ш. ЁДГОРОВ тайёрлади»

ТЕРРОРЧИЛАР БАЁНОТИ

Филиппин DXRZ радиостанциясининг маълум қилишича, “Абу Сайёф” гуруҳи террорчилари 4 кун олдин Дос-Пальмас қуруттида 20 кишини гаровга олишга муваффақ бўлишган эди. Кунни кеча “Абу Сайёф”чилар агар ҳукумат қўшинлари гаровга олинганларни озод қилиш операциясини бошлайдиган бўлса, гаровдагиларнинг ҳаммасини қатл қилишларини маълум қилишган. Сўнгги маълумотларга қараганда, террорчилар Филиппин жануби-ғарбидаги оролчалардан бирига яшириниб олишган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, гаровдагилар орасида америкалик миссионер ва унинг оила аъзолари ҳам бор.

ЮЛДУЗЛАР ХАЁТИ



СОҲИБЖАМОЛ

ТЕННИС УСТАСИ

Энг нуфузли мусобақалардан саналган Уимблдон турнири 1997 йилда жаҳон тенниси учун янги бир юлдузни кашф этган эди. Ушанда ёшгина рус қизининг ярим финал босқичига кўтариллиши катта шовшувга сабаб бўлди. Мафтункор Анна Курникова теннис оламида аллақачон танилиб улгурган Мартина билан деярли теппа-тег кураш олиб боради.

Анна Курникова 1981 йилнинг 7 июнида Москвада туғилган. Аннанинг ота-онаси — Сергей ва Алла Курниковлар қизларининг келажақда машҳур спортчи бўлиб етишиши учун кўп нарсадан воз кечдилар...

Аннанинг болалик йиллари Москвада кечди. Кейинроқ онаси билан Флоридага кетишига тўғри келади. У ерда Анна теннисчилар тайёрлайдиган энг машҳур ўқув юртига қабул қилинади. Очиги, Анна учун бу ўқув юртига кириш осон кечмади, бунинг учун онаси анча елиб-югурди. Умуман Анна бугунги муваффақиятлари учун онасидан қарздор. Ҳозиргача онаси унинг учун энг яқин киши бўлиб қолган. Онаси уни мусобақаларга

руҳан тайёрлайди, жисмоний тайёргарлигини ва юриш-туришини назорат қилади. Унинг энг яқин дугонаси—онаси, дейишади. Шунингдек, молиявий ишларини ҳам онаси ўз қўлига олган.

Унинг отаси — классик кураш бўйича собиқ жаҳон чемпиони, ҳозирда давлат спорт кўмитаси ходими Сергей Курников эса ўз "аҳли-аёли" билан муносабатларини деярли узиб қўйган.



Ҳозиргача у Москвадаги эски уйида яшамоқда. У журналистларга қизи ҳақида гапириб беришдан ҳамон ўзини олиб қочади.

Теннисчиларни тайёрловчи Боллетъери Академиясидаги ўқиш жараёни Анна учун бир зайдда кечмади. Уни ҳеч ким келажақда аёллар теннисининг юлдузларидан бирига айланади, деб ўйламасди ҳам. Анна учун энг катта муаммо интизом масаласи эди. Мураббийларнинг танбеҳлари унга оғир ботар, қасдма-қасдига машғулотларни қолдираверарди. Бу ҳам етмагандек, ёшгина Аннани ҳовликмарок хориж матбуоти "машҳур Анночка"га таққослашгача етиб боришганди.

Аммо чинакам истеъдод олдида ҳамма нарса тиз чўкади. Ҳозирда Анна Курникова номи ЖТА рейтингини ўнлигида иккинчи ўринни банд қилиб турибди. Бунгача у жаҳон аёллар теннисининг энг сараларини мағлубиятга учратди. У истаса ҳатто биринчи рақамли теннисчи бўла олади. Ҳа, фақат иста-

са. Ажабланидиган жойи йўқ. Ҳамма гап шундаки, рейтингда биринчи бўлиш ёки Уимблдонда мутлоқ голиб бўлиш Аннанинг энг катта орзуси эмас. Бошқача айтганда, теннисдаги муваффақиятлар Анна учун мақсад эмас, балки унга эришиш воситаси, холос. Мақсадга эса у аллақачон эриша бошлаган. Яъни, ҳисоби кун сайин ўсаётган муҳлислар, дунё матбуотининг диққати, бехисоб ҳомийлар...

Бугун бу соҳибжамол теннис устаси тўшаётган рекламалар санъат асарига ҳисобланади. Ораунинг рўёбга чиқишига бир қадам — ахир қизалоқ Анна Уимблдонда эмас, Ҳолливудда юлдуз бўлишини орзу қилган эди.

3. ҲАМДАМОВА тайёрлаган

КРОССВОРД

З	И	Ў	Т	А	Қ	А	З	Е	Б
Л	Ғ	Н	Ш	Б	Н	Д	У	З	Р
И	Ф	Т	О	Қ	У	Й	Б	А	А
Л	К	И	С	И	Қ	Ў	Л	Р	А
У	Б	Ў	Р	С	И	Р	А	С	Ф
Т	Р	И	Қ	Н	О	Т	Р	Ж	А
А	Ш	Қ	О	П	Л	Л	С	И	Р
Қ	О	Ч	И	Я	Н	О	Л	О	Н
М	Л	Қ	У	Б	Ў	С	И	Й	М
А	Х	О	Ё	Н	Р	И	Л	А	У
А	Й	Н	Н	И	Р	И	Л	А	У
И	И	Қ	Т	И	Ж	И	Й	И	Ж
П	Р	И	К	М	А	К	О	К	А
О	Н	Ҳ	О	С	Й	Р	Ҳ	Р	Й
Д	И	К	Р	А	К	А	У	О	Н

ВЕНГЕРЧА кроссворд деб аталувчи ушбу бошқотирмада йигирма бешта йиртқич ва ўтхўр ҳайвонларнинг номлари мавжуд. Кроссвордда сўзларнинг ҳарфлари тўрт йўналиш бўйича вертикал ёки горизонтал тарзда боғланади. Бир сўзда иштирок этган ҳарфлар бошқа сўз таркибига кирмайди ва диагональ бўйича бир-бири билан боғланади.

Тузувчи: Т.РАҲИМОВ

Кутлов

Ҳурматли Фурқат Салимов!
Сизни 30 май — туғилган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Сизга мустақам соғлик, ишларингизда муваффақиятлар, оилангизга тиңчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ҳамкасбларингиз,
Тошкент шахри

ПАТИФАЛАР

Хотин эрига:
— Илтимос қиламан, мўйловингни буюшни бас қил.
— Нега? Биланаяптими?
— Сенда-ку йўқ, аммо котибангнинг бўйнида...

— Троллейбусда менинг башарамга туширмоқчи бўлишди.
— Сен буни қаердан билдинг?
— Йўқса туширишмаган бўларди-да...

Бир киши ресторанга кириб, официантга буортма берди. Бирок бир соат вақт ўтса ҳамки ундан дарак йўқмиш. Шунда ҳалиги киши ресторан ҳўжайинини чақириб:
— Мана бу пулни олинг-да, официантингизга гулдаста сотиб олинг.
— Нима, у сизга ёқиб қолдими?
— Мутлақо. Назаримда у дунёдан ўтган кўринади.

Ижарачи уй эгасига деди:
— Биласизми, менга келган хатларни ўқийётганингизга чидаб каттаётган эдим. Аммо уларга жавоб ёзишингизга мутлақо қаршман!

Сафарга чиққан савдогар пишлоқ сотиб олиб, жўнаш олдидадан уни ўзи тўхтаган меҳмонхона номерида еб олишга аҳд қилди. Аммо нонушадан сўнг бир бурда пишлоқ ортиб қолди. Нима қилиш керак? Ўзи билан олиб кетиш бўлмади. Хонада қолдириш ноқулай. Шунда хонадаги гултувакка кўзи тушди. Гулни тўқиб, пишлоқ қолдигини тувак остига жойлади-да, яна қайта экиб қўйди.
Бир неча кундан сўнг унга меҳмонхона маъмуриятидан шошилинч телеграмма келди: "Жаноб, биз таслим бўлдик. Қаерга қўйганингизни айтинг?"

СПОРТ

"РЕАЛ" ҚАРЗИНИ ТўЛАМОҚЧИ

Айрим мамлакатлардагидан фарqli равишда Европада профессионал футбол клубларининг молиявий аҳоли аҳолидан сир тугилмайди. Тўғрида, ҳаммаси қонуний бўлгач, яшириб нима қилишарди. Утган йили чемпионлар лигасида голиб чиқиб, суперкубок учун бўлган ўйинда "Галатасарой"га ютказган Мадриднинг "Реал" клуби ҳақида ким эшитмаган дейсиз.


Яқинда Испания чемпионлигини қўлга киритган "Реал" ўзига қарашли ўқув-машғулот марказини сотмоқчи. Клуб акционерларининг факулдада йиғилишида овоз берганларнинг 92 фоизи мазкур қарорни қўллаб-қувватладилар. Бугунги кунда кредиторлардан 250 миллион доллар қарзи борлиги клубни шундай йўл тутишга мажбур қилаётти. "Реал" президенти Флорентино Переснинг сўзларига қўра, сотувдан тушадиған маблаг тахминан 350 миллион долларни ташкил этиши кўтиляпти. Бунча пул билан клуб ҳам қарзидан қутулади, ҳам унинг ихтиёрида янги ўқув-машғулот базаси қуриш учун етарли маблаг қолади. Янги база қурилишини 2004 йилгача тугаллаш режалаштирилган.

Руслан СОЛИЕВ



Урсамми, мен тоғни талқон этадурман, Бобом, отам етмаганга этадурман.

КОИНОТ ТўЛА ЖУМБОҚ



НАСА тадқиқотчилари тарқатган маълумотларга қараганда, яқин келажақда инсоният тарихида илк бор учувчи аппарат комета сатҳига қўндирилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу миссия натижасида фан кометалар таркиби, унинг ўзагининг нимадан ташкил топганлиги ва уни қоплаган муз қатлами тағида нима борлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Кометаларни ўрганиш билан ҳозир ҳам бундан 4,5 миллион йил илгари шаклланган Кўёш системаси ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда олимлар.

Deer Impact миссияси 279 миллион долларга тушар экан. Мутахассислар бу ишга 2004 йилдан бошлаб киришадилар. Мазкур космик кема — тадқиқотчи парвозидан бир ярим йил ўтгача, ТЕМПЕЛ-1 деб номланувчи кометага қўниб, иш бошлайди.